

## «Ким Аллоҳдан сўрамаса, У Зот ундан ғазабланади»



11:30 / 04.12.2018 3091

*Баъзилар «Одамлар Аллоҳдан сўрайдилар, аммо Аллоҳ уларга ҳеч нарса бермаслиги ёки сўрамаган нарсаларини бериши ҳам мумкинми?» деб сўрайдилар.*

**Бу саволга учта жавоб бор.**

*Биринчидан:*

Дуони ижобат қилиш ҳақидаги оят сўровчига бир нарса беришни ўз ичига олмаган, балки бу оят дуо қилувчининг дуоси ижобат қилинишини ўз ичига олган. Дуо қилувчи эса сўровчидан кўра умумийроқ маънодаги шахсдир. Шунинг учун ҳам дуони ижобат қилиш сўровни беришдан кўра умумийроқдир.

Ушбу фарқ туфайли Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ҳар кеча Роббимиз дунё осмонига тушади ва «Ким Менга дуо қилади, Мен унга ижобат қилсам, ким Мендан сўрайди, Мен унга ато қилсам, ким Менга истиғфор айтади, Мен уни мағфират қилсам», дейди», деганлар («Ирвоул Ғалийл», 449-бет).**

Ушбу ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дуо қилувчи билан сўровчининг, ижобат билан атонинг орасини фарқламоқдалар.

*Иккинчидан:*

Дуонинг ижобат қилиниши сўралган нарсани беришдан кўра кенг ва умумийдир.

Имом Муслимнинг «Саҳиҳ»ларида ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам буни қуйидагича тафсир қилганлар:

**«Қайси бир одам гуноҳ аралаштирмасдан, қариндошлик алоқасини узмай туриб дуо қилса, албатта, Аллоҳ таоло унга бунинг сабабидан уч хислатдан бирини беради:**

**Унинг сўраганини тезда беради. Сўралган нарсанинг мислича яхшилиқни унинг учун сақлаб қўяди. Сўралган нарсанинг мислича ёмонлиқни ундан буриб қўяди», дедилар.**

**Шунда одамлар:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, ундай бўлса, (дуони) кўпайтирамиз», дедилар.**

**У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аллоҳ кўпайтирувчи роқдир», дедилар».**

*Аҳмад, Ҳокимлар ривоят қилганлар. Заҳабий саҳиҳ, деган.*

*Учинчидан:*

Албатта, дуо талаб қилинган нарсага эришишни тақозо қилувчи сабабдир. Сабабнинг эса ўз шартлари ва ман қилувчи омиллари бор. Қачон шартлар ҳосил бўлиб, ман қилувчи омиллар йўқ бўлса, талаб қилинган нарсага эришилади. Агар ундай бўлмаса, мақсадга эришилмайди. Баъзан эса дуо қилувчи учун хайрлироқ бўлган бошқа натижа ҳосил бўлиши ҳам мумкин.

Аллоҳ таоло дуоларни ижобат ва ҳожатларни раво қилади.

Жумҳури мусулмонлар ва бошқа дин аҳллари ҳам дуо манфаатни жалб ва зарарни даф қилиш учун энг кучли сабаблардан эканига ишонадилар. Бунга сабаб Аллоҳ таолонинг мусулмон бўлсин, кофир бўлсин, бандасининг дуосини ижобат қилиб, унга сўраганини бериши, ризқ ва ёрдам

беришидир.

Имом Ибн Можа «Сунан» китобида Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

**«Ким Аллоҳдан сўрамаса, У Зот ундан ғазабланади», деганлар.**

Аллоҳ таоло Ўзининг олти сифатига далолат қилгани сабабли дуо қилишга амр қилгандир:

**1.** Вужуд (борлиги).

Чунки йўққа дуо қилинмайди. Ундан бирор нарса сўралмайди.

**2.** Ғанийлиги (бойлиги).

Чунки фақирга дуо қилинмайди. Ундан бирор нарса сўралмайди.

**3.** Эшитувчилиги.

Чунки карга дуо қилинмайди. Ундан бирор нарса сўралмайди.

**4.** Карамлилиги (сахийлиги).

Чунки бахилга дуо қилинмайди. Ундан бирор нарса сўралмайди.

**5.** Раҳмат.

Чунки раҳмсизга дуо қилинмайди. Ундан бирор нарса сўралмайди.

**6.** Қудрат.

Чунки ожизга дуо қилинмайди. Ундан бирор нарса сўралмайди.

Дуони инкор қилувчи ушбу олти сифатни инкор қилувчидир.

Ундан ғофил бўлган олти сифатдан ғофилдир.

Билингки, сабабларга суянган ҳолда дуо қилмаслик тавҳиддаги ширкдир. Сабабларни бутунлай тан олмаслик ақлдаги нуқсондир. Сабабларни ишлатишдан юз ўгириш эса ишларни сабабларга боғлаб қўйган шариатга айб қўйишдир.

*“Ҳадис ва ҳаёт” китобидан*